

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ФАРҒОНА ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

А.С.Дариев.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎСИМЛИК ҚОПЛАМИ

**фанидан
муаммоли маърузалар**

Андижон-2009 йил.

Ўзбекистон ўсимлик қоплами

Ўрганилиш тарихи.

Кўзда тутилган натижада: Талабаларга Ўзбекистон, шунингдек Ўрта Осиё ўсимлик қопламини ўрганиш бўйича тарихий маълумотлар бериш.

РЕЖА:

1. Флора ва фитоценоз тушунчаларига таъриф.
2. Ўзбекистон ўсимлик қопламини ўрганишда дунё олимларининг ўрни.
3. Ўзбек алломалари ва Ўзбекистон ботаник олимларининг хиссаси.

Мамлакатимиз ҳудудида 4минга яқин (3,750) ўсимлик турлари учраб, бу Ўзбекистон флорасини ташкил қилади.

Ёдингизда тутинг:

Флора–муайян олинган ҳудуд, майдонда тарқалган ўсимлик турларининг йиғиндиси.

Фитоценоз – (ўсимлик қопламини) муайян ҳудудида тарқалган ўсимлик жамоаларининг (формация, ассоциация ва бошқалар) йиғиндиси.

Ўсимлик қопламини- фитоценоз ёки флорани ўрганиш бу ҳақидаги алоҳида материал, манба ва маълумотларни йиғишдан, уларни текшириш, қайта ўрганиш, яъни инвентаризация қилишдан бошланади. Бунинг учун ўрганилаётган ҳудудидаги ўсимликларнинг систематик (таснифий) таркиби, уларнинг экологияси, географик тарқалиши, шунингдек баландлик поғонлари бўйлаб тарқалишлари ҳам ўрганилади. Олинган маълумотлар илмий ва амалий (халқ хўжалигида) соҳаларда фойдаланилади ва монография шаклида чоп этилади.

«Ўзбекистон флораси» (6 том) ва «Ўзбекистон ўсимлик қопламини» (4 том) монографияларини чиқиши билан ўлкамиз ўсимлик дунёсини инвентаризация қилиш маълум даражада тугалланди деб ҳисобласа бўлади.

Ушбу маълумотлар асосида ҳозирда ўсимликлардан фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ишлари олиб борилмоқда, лекин бу монографиялар чиққан вақтдан буён кўп йиллар (маълум вақт) ўтди, янги илмий маълумотлар кўшилмоқда.

Муаммо: Ўзбекистон ҳудудида ҳозиргача кам ўрганилган ҳудудлар мавжуд, уларга Фарғона водийсининг Ғовасой, Сўх дарё хавзалари, Чимён, Миндон, Поп адирлари ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Шу сабабдан ҳам ҳозирда ботаниклар томонидан янги «Ўзбекистон флораси»ни тузиш ишлари бошлаб юборилган.

Ўзбекистон ўсимлик дунёсини ўрганиш жуда узоқ тарихга эга. Археологик маълумотларга кўра, Ўрта Осиёда одамлар муносабати, яшаши Неолит давридан бошланган. Ботаник-ўсимликшунос олимлар: Н.Вавилов, А.Жуковский, М.Поповлар ёзишича «Ўрта Осиё маданий ўсимликлар ўстириш, дехқончилик марказининг бешиги ҳисобланади». Маҳаллий халқ томонидан бу ерда бодом, гилос, анжир, ёнғоқ, нок, олма, ўрик ва қовун каби қатор маданий экинларни янги-янги навлари яратилган.

Муаммо: Ўрта Осиё ўсимликларини ўрганишга бағишланган энг дастлабки, қадимги манбалар, шунингдек, ўзимизнинг юртдош олимларимиз ва алломаларимиз Беруний, Фаробий ишларининг кўпи бизгача етиб келмаган. Масалан: 150 га яқин Беруний ишларидан 27-30 таси топилган ҳолос.

Аллома ва табиб Ибн-Сино ўз асарларида жуда кўп ўсимликларга тавсиф берган. Уларнинг дориворлик хусусияти, ишлатилиши ҳақида дастлабки маълумотлар «Тиб қонунлари» ва бошқа асарларида келтирилган. Махмуд Кошғарий «Девону Луғати турк» асарида 200 га яқин ўсимликларни ишлатилиши ҳақида маълумотлар беради. «Бобурнома»да Шох Бобур томонидан қатор ўсимликларнинг Фарғона водийсидаги ўсиш жойи келтирилган.

Ўрта Осиё чор Россиясига мажбуран кўшиб олинганидан сўнг (1865й.) қатор рус ва бошқа чет эл олимлари, ботаниклар, харбий табиатшуносларни бизнинг ўлкага оқими кучайиб кетади. Булардан фаранг ва олмон ботаниклари Эверсман, Леман, Капю, Кауфманлар, XX аср бошларида эса рус олимларидан Боршов, А.Краснов Ўрта Осиё ўсимликлар дунёсига бағишланган дастлабки илмий ишларини эълон қилишади.

Ёдингизда тутинг:

Фарғона водийси табиатини ва наботини ўрганишга бағишланган «Фарғона водийси очерклари» номли биринчи асарни (илмий маълумотларни) Россиялик олим А.Миддендорф 1878 йилда чоп этган.

Россия ботаник олимларидан ота-бола Альберт ва Эдуард Регель, А.Липский, О.Федченко, С.Коржинский, О.Кнорринглар Ўрта Осиё ўсимлик қопламини ўрганишга катта хисса қўшишган. Ўткан асрни 20- йилларидан Тошкентга қарор рус олимларини келиши кучайди. Улар орасида ботаник олимлар- М.Попов, А.Введенский, М.Культиасов, И.Райкова, Е.Коровинлар Ўзбекистон ўсимликлар дунёсини ўрганишда кўп ишлар қилишган.

Кегинги йилларда (1930 йиллардан бошлаб) бевосита Ўрта Осиёнинг Маҳалли Миллатларидан ботаник олимлар етишиб чиқади. Улар: Қ.З.Зокиров, А.Музаффаров, М.Орифхонова, С.Сахобиддинов, М.Тўйчиев ва бошқалар.

Иқлими: Ўртача Мўътадил ҳисобланади. Жанубда ёзинг иссиқ кунлари 42-48*С бўлади.

Ўзбекистон худудининг тупроқ, иқлим, ўсимлик таркиби ҳисобга олинган ҳолда, бир нечта табиий провинциялар районлаштирилган. Уларга: Турон, Уст-Юрт, Фарғона ва бошқа табиий провинцияларни мисол келтириш мумкин.

Ўсимлик олами: Ўзбекистоннинг наботот олами бир мунча хилма-хил ва турларга бой ҳисобланади.

Ёдингизда тутинг:

Ўзбекистон худудида 145 оилага кирадиган 1228 туркум ва 3700 турга яқин ёввойи ўмилик учрайди. 12 оила-мураккабгулдошлар (570 турга яқин), дуккакдошлар (440), ғалладошлар (200), бутгулдошлар (200), соябонгулдошлар (200), лабгулдошлар (190), шўрадошлар (180), лоладошлар (150-160), торондошлар (150-160), чиннигулдошлар (130), кампирчопондошлар (130), раъногулдошлар (100) турга бой, катта оилалар ҳисобланади. Ана шу 12 оила республика флорасининг 75%ини ташкил этади.

Ўзбекистон флораси фойдали ўсимликларга жуда бой, масалан, ёввойи ўсимликлардан 90%и ем-хашак бўлиб хизмат қилади, жуда кўпчилиги муҳим доривор, эфир мойли ва зиравор ўсимликлар ҳисобланади.

Ўзбекистонда рельефининг мураккаблиги туфайли ўсимликлар ҳам турли-туман. Қумли чўлларда-селин, қузғун, саксовул, илок, қуёнсуяк, черкез сингари ўсимликлар, гипсли чўлларда-буюрғун, шувокнинг бир неча тури, боялич, татир, қўнғирбош, туяпайпоқ каби ўсимликлар ўсади. Шўрхоқ ва тоғ этакларидаги гилли чўлларида асосан, қорасаксовул, юлғун, янтоғ, шувок ўсади.

Тоғ этаклари уч қисмга бўлинади: 1) Чўллар ёки тоғ олди текисликлари. 2) Паст адирлар. 3) Баланд адирлар.

Шулардан чўллар ёки тоғ олди текисликлари (300-600м.баландликлар ораси) тоғлардан емирилиб тушган жинслардан таркиб топган. Бундай ерларда қўнғирбош, ранг, шувок ва бошқа эфемерлар ўсади. Кузги эфемерлар намгарчиликка қараб кузда ва қиш бошида кўкариб чиқади. Улар январ-феврал ойларидаёқ чорва моллари учун озуқа бўлади. Сернам йиллари бу ерлардан кўплаб пичан тайёрлаш мумкин.

Паст адирларда (600-800м.) юкорида айтилган тоғ олди текисликларидан ташқари, чорва моллари учун қишда яхши озиқ бўладиган каррак, оққурай, ширач, чайир, қатрон ва бошқа ўсимликлар ўсади. Улар орасида айниқса, эфемерлар кўп. Бу ерлар асосан баҳорда, шунингдек, йил бўйи ўтлоқзор яйлов хисобланади.

Баланд адирлар (800-1200м.) хилма-хил ўтлар: буғдойиқ, тактак, тоғарпа, андиз, гулхайри, кўзикулок, шувоқ кўп ўсадиган қуруқ даштдан дарё водийларида: терак, тол ўсади. Баланд адирлардан йил бўйи яйлов сифатида ва боғдорчиликда фойдаланилади.

Тоғ ён бағирларининг денгиз сатхидан 1200-1800м. баланд бўлган қисмида дарахтлардан арчанинг бир нечта тури, заранг, тоғолча, ёввойи олма, камхастак, ёнғоқ, дўлана, буталардан: шилви, тобулғи, ирғай, наматак, зирик, ўтлардан: беда, бетага, маврак, кийикўт, эрмон, андиз ўсади.

Тоғ ён бағирларининг 1800-2700м. баландликдаги қисми бетага даштидан иборат бўлиб, бошқа ўтлардан яна сарикбош, қўнғиргул, чайирйўғон, сўхта, арпабош, дарахтлардан арча кўп ўсади. 2007м.дан юкорида ер бағирлаб ўсадиган арчалар бетага, алғп ўтлоқ ўсимликлари (газакўтэрбахоси, наврўзгул ва бошқалар), сўнгра қизилтикан, тоғчитир каби ёстиқсимон ксерофитлар учрайди. Ўзбекистон майдоннинг 5,7%ни ўрмон ташкил қилади, ёки 8 млн. гектар. Тоғ ўрмонларини 200минг гектари арчазорлар. Бир гектар арчазор 18млн.м³ хавони тозалайди ва O² билан бойитади.

Муаммо: Ўзбекистоннинг тоғ минтақасидаги табиий ўрмонзорлар, арчазорлар ўсимлик қоплами хали тўлиқ ўрганилган эмас.

Таянч иборалари:

Рельеф, мўътадил иқлим, провинциялар, тоғ тизмалари, гиллик чўллар, эфемерлар, ёстиқсимон ксерофиллар, ўрмон, арчазорлар.

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистон флорасидаги муҳим оилалар?
2. Ўзбекистон чўли ва тўқайзорларидаги ўсимликларни санаб беринг.
3. Адир ва тоғ худудларидаги муҳим ўсимликларни айтиб беринг.
4. Табиий ўрмонзорлар, арчазорларни ахамияти нимада?
5. Ўзбекистоннинг ер майдони қандай?
6. Ўзбекистон худудидаги чўл ва тоғларни санаб беринг.
7. Ўзбекистоннинг асосий дарёларини санаб беринг.
8. Ўзбекистоннинг тупроқлари қандай?
9. Ўзбекистоннинг табиий провинцияларга бўлиниши қандай?
10. Чўл ўсимликларининг иқтисодий ахамияти нимада?

Адабиётлар:

1. «Флора Узбекистана» 1-бтом, 1941-1962г.
2. «Красная книга Узбекистана», 2-т. 1984г.
3. «Ўзбекистоннинг Қизил Китоби» 2-том. 1998й.
4. Қ. Хайдаров, Қ. Хожиматов «Ўзбекистон ўсимликлари» 1976й.
5. растит. Покров Узбекистана 1-4 том. 1971-1994 й.

ЎЗБЕКИСТОН ФЛОРАСИНИНГ ТАРКИБИ.

Кўзда тутилган натижа: Республика флорасининг таркиби, етакчи оила, туркумлар, уларни тик минтақалар бўйлаб тақсимланиши ҳақида маълумотлар бериш.

РЕЖА:

1. Ўзбекистон флорасининг муҳим оилалар.
2. Туркум ва турлар.

3. Уларни тик минтақалар бўйича тақсимланиш.

Ўзбекистон флорасини ўрганиш, инвентаризация қилиш учун манбаи сифатида биринчи навбатда 1940-1963 йилларда чоп этилган 6 жилдлик «Ўзбекистон флораси» хисобланади. Хозирги кунда бу монография талабга у қадар тўлиқ жавоб бермайди, деб айтиш мумкин. Сабаби, бу монография тузилган даврларда хозирги Тошкент вилоятининг флораси энг бой, тоғлиқ Бўстонлик тумани Қозағистон Республикасига таалуқли бўлган ва бу ер ўсимликлари флора таркибига кирмай қолган. Қолаверса, маскур монографиянинг чиққанига 60-80йил бўлди. Бу орада Республиканинг кам ўрганилган хухудларидан флорист систематик олимлар томонидан қатор янги ўсимлик турлари топилган.

Муаммо: Шў нўқтаи назардан хам хозирда ботаник олимлар зиммасидан янги «Ўзбекистон флораси»ни ўзбек тилида тайёрлаш долзарб вазифалардан бўлиб турибди.

Ўтган асрнинг 80-йилларидан ёзиб тугатилган 10-жилтли «Ўрта Осиё ўсимликлари аниқагичи» маълумотлари бўйича хозирда Республикамиз худудида 4250 ўсимлик тури мавжуд бўлиб, улар 1228 туркум ва 145та оилага таалуқли хисобланади.

Ўзбекистонда бир мунча кенг тарқалган оилалар (12-18 та), улардаги туркум ва турлар сони, бу турларнинг Республика худудидаги баландлик минтақалари- чўл, адир, тоғлар бўйича тарқалиши қуйдаги 1- жадвалда келтирилган.

I – Жадвал.

Ўзбекистонда кенг тарқалган ўсимлик оилалари, уларнинг тик минтақалар бўйлаб тарқалиши.

№	Оилалар номи	Туркум	Жами турлари	Ёввойи турлар	Шў жумладан турларнинг тик минтақалар бўйлаб тарқалиши			
					Текислик, чўл	Тоғ олди, адирлар	Тоғ	Яйлов
1	Мураккабгулдошлар	137	606	571	120	169	175	91
2	Дуккакдошлар	57	485	441	97	206	213	64
3	Ғалладошлар	91	284	263	129	99	125	44
4	Кресигудошлар	40	206	200	28	66	129	31
5	Лабгулдошлар	76	207	199	81	49	79	21
6	Соябонгулдошлар	73	205	198	39	71	78	32
7	Шўрадошлар	44	179	177	152	29	7	1
8	Пиёздошлар	20	168	160	38	65	80	31
9	Торондошлар	7	155	153	110	10	27	11
10	Чиннигулдошлар	26	134	127	34	50	64	22
11	Говзабонгулдошлар	32	118	118	42	56	53	14
12	Атиргулдошлар	35	153	95	7	19	72	25
13	Айиқтовондошлар	20	94	87	25	29	36	27
14	Хиллодошлар	16	93	93	49	29	16	29
15	Сигирқуйлиқдошлар	24	70	68	16	29	33	14
16	Сутламадошлар	8	51	48	18	20	15	10
17	Рўяндодшлар	8	45	45	8	15	28	4
18	Қўрғошингулдошлар	6	41	41	14	8	26	11

Ўзбекистон ўсимлик қопламида академик А.Л.Тахтаджян (1987й.) тизими бўйича 145 оила иштирок этади, 1228 туркум ва 3700 турлар ўсимлик қопламини ташкил этади.

ЁДИНГИЗДА ТУТИНГ:

Мазкур жадвалдан кўриб турибдики Республика худудида энг етакчи оилалар астрасимонлар (мураккабгулдошлар), дуккакдошлар, ғалладошлар ва хоказо-жами 17 та оила, шулардан 1-12 гача бўлган оилалар энг мухим ва дунё бўйича кенг тарқалган хисобланади.

Туркумлар ичида энг етакчилари астрагал-Astragalus= 224 тур, Cousinia-136 та, қандим- Calligonum-74 хисобланади.

Юқорида айтганимиздек, Ўзбекистон ўсимлик қопламида А.Л.Тахтаджян тизими бўйича 145 оила иштирок этиб, булар таркибида маданий ҳолда экиладиган 500 га яқин ўсимликлар бор. Ўзбекистон ўсимлик қопламида эдификаторлар сони жихатидан ҳам мураккабгулдошлар оиласи устунлик қилади.

Таянч иборалар:

Етакчи оила ва туркумлар, эдификаторлар, А.Л.Тахтаджян тизими, маданий экинлар, дунё миқёсидаги катта оилалар.

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистон флорасидаги етакчи туркумларни санаб беринг?
2. Уларнинг тик минтақалар бўйлаб тарқалиши қандай?
3. Тик минтақалар ичида флораси бой минтақалар ва улардаги етакчи оилаларни кўрсатинг?
4. Янги Ўзбекистон флорасини тузишдан мақсад нима?
5. Ўзбекистон текисликларида кенг тарқалган оилаларни санаб беринг.
6. Тоғ худудидаги етакчи оилаларни кўрсатинг.
7. Яйловдаги асосий оилалар.
8. Ўзбекистон флорасидаги энг катта оилаларни санаб беринг.
9. Ўзбекистонда экиладиган ўсимлик турларининг сони қанча?
10. Ўзбекистонда экиладиган мухим экинларни санаб беринг.

Адабиётлар:

1. «Флора Узбекистана» 1-6 том, 1941-1962г.
2. «Определит. растений Средней Азии». Т, 1-10 том. 1968-1994г.
3. «Растит. Покров Узбекистана». Т. т.1-4, 1971-1994г.

ЎЗБЕКИСТОН ФЛОРАСИНИ ТАХЛИЛИ.

Кўзда тутилган натижа: Флорага экалогик-систематик тавсиф бериш, унинг экобиоморф таркиби ҳақида талабаларга аниқ тушунчалар бериш.

РЕЖА:

1. Флоранинг систематик таркиби, мухим омиллар.
2. Уларнинг вертикал минтақалар бўйича тахлили.
3. Флоранинг экобиоморф тахлили.

Агар Ўзбекистон флорасида туркумлар ва уларнинг турларини тақсимланишини тахлил қиладиган бўлсак, энг йирик туркумлар:

1. Astragalus- 224 тур киради.
2. Cousinia (кузиния)-136 тур.
3. Calligonum (қандим)- 74 тур.
4. Allium (пиёз) -68 тур.
5. Salsola (шўрадошлар) -49 тур.

Бу туркум вакиллари- ўсимлик қопламида доминант ёки унинг тузилишида фаол иштирок этувчи турлар ҳисобланади.

Ўзбекистон флорасида эндемизм у қадар юқори даражада эмас- 4000 атрофидаги турлардан тахминан 390 таси ёки 9,2% эндем ҳисобланади.

Ёдингизда тутинг:
Ўрта Осиёдаги 7000 га яқин турлардан 3336 тур ёки 46% эндем ҳисобланади. Эндемларнинг кўпчилиги мураккабгулдошлар (70 тур), соябонгулдошлар (34 тур), лабгулдошлар (35 тур) ва бошқа оилаларга тўғри келади.

Республика флорасини вертикал минтақалари бўйлаб тақсимоли куйдагича- жами 3737 турдан чўлда- 1100 та, адирда- 1330 та, тоғ худудида – 1523 та ва яйловда -555 тур бор.

Кўришиб турибдики энг кўп турлар тоғ худудларда учрайди, энг ками яйларда.

Ўзбекистоннинг чўл худудларида биринчи навбатда шўрадошлар, сўнг ғалладошлар, мураккабгулдошлар ва торондошлар оиласи вакиллари кўп учрайди.

Адирларда дуккакдошлар, ғалладошлар ва соябонгулдошлар оила вакиллари кўпроқ учрайди.

Тоғ худудларида асосан мураккабгулдошлар, дуккакдошлар, лабгулдошлар, раъногулдошлар ва ғалладошлар оиласи вакиллари учрайди.

Юқоридагидан кўришиб турибдики флоранинг систематик таркиби ва уларни вертикал минтақалар бўйлаб тақсимланиши маълум даражада Республика худудида иқлимнинг, геоморфологиянинг ва экологик омилларнинг турлича эканлиги кўрсатади.

Ўсимлик қопламининг тўлиқ ва ранг-баранг бўлиши учун иқлим ва бошқа экологик омиллардан ташқари ўсимликларнинг ҳаётий шакллари, ҳар бир худудининг тупроқ хусусиятлари, геоморфологияси каби фитоценозга бевосита таъсир этувчи ва уни қандай кўринишда эканлигини белгиловчи омиллар муҳим ҳисобланади.

Ёдингизда тутинг:
Ўсимлик қопламининг тузилишида муҳим кўрсаткич ҳисобланувчи ўсимликларнинг ҳаётий шакллари ёки биоэкоморфалари ҳақида дунё бўйича кенг тарқалган Раункиер (1902, Раункиер) тизими бўлиб, унда ўсимликлар фанерофитлар (дарахтлар), хамефитлар (буталар), гемикриптофитлар (чала буталар), криптофитлар (ўт ўсимликлар) ва терофитларга (бир йиллик ўтлар) бўлинади.

Ўсимликлар ҳаётий шакллари тизимлаш бўйича рус олимларидан И.Г.Серебряков (1948-1968й) ва унинг ўқувчилари ҳам бир мунча ишлар олиб бориб, ўсимликларнинг ҳаётий шакл ёки биоэкоморфаларга аниқлик ва тўлдирмалар киритишган. Ўзбекистон флорасини биоэкоморфалар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, куйдаги 4 бўлим, 6 тип ва қатор гуруҳларга ажралади.

1. Бўлим. Дарахт ўсимликлар – 3 типга бўлинади, тип-1 дарахтлар, тип-2 буталар, тип-3 бутучалар.
2. Бўлим. Чалабута ўсимликлар 4 типга киради.
3. Бўлим. Қуруқликда ўсувчи ўт ўсимликлар энг катта гуруҳ.

Масалан: Биргина поликарпик ўт ўсимликлар 14 гуруҳга ажралади. Юқорида айтганимиздек ҳаётий шакллардан ташқари фитоценознинг шаклланишида субстрат-тупроқ омиллари ҳам муҳим аҳамиятга эга, маълумки текислик чўл худудларида қумлик, гипсли, шўр ва бошқа яшаш жойларини (субстратини) ажратиш мумкин. Мана шу экология ва геоморфология хилма-хиллиги ўсимлик қопламида фитоценозга ўз таъсирини кўрсатади. Ўзбекистон флорасини биоморфалар, баландлик минтақалари ва яшаш жойлари субстрат бўйича тахлили 2-3 жадвалда келтирилган. Жадвал амалий машғулотларда тахлил қилинади.

Таянч иборалар:

Ўсимликларнинг ҳаётий шакллари ёки биоэкоморфалар, фанерофит, хамефит, гемикриптофит, криптофит, терофит, поликарпик, монокарпик.

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистон флорасининг таркиби, эндемизм тахлили қандай?
2. Туркум ва турларга бой минтақаларни кўрсатинг.
3. Ўсимликларни ҳаётий шакли бўйича қимлар тизимини биласиз?
4. Раункиер тизими бўйича биоэкоморфаларни ва уларга мисоллани санаб беринг.
5. Ўзбекистон худудидаги экологик хилма-хилликни тушунтириб беринг.
6. Ўзбекистон флорасида эндемизм пастлиги кўрсаткичи сабаби нимада?
7. Ўрта Осиё флорасидаги турлар сони қанча?
8. Ўсимликлар қопламига таъсир этувчи омиллар нима?
9. Тоғ флорасини бойлигига сабаб нима?
10. Монакарпик, поликарпик ўсимликлар нима?

Адабиётлар:

1. «Растит. Покров Узбекистана». Т.1-т 1973г.
2. «Флора Узбекистана». Т. 1-6 том, 1941-1962г.

ЎЗБЕКИСТОН ЎСИМЛИК ҚОПЛАМИНИНГ МИНТАҚАЛАР БЎЙИЧА ТАҚСИМЛАНИШИ.

Кўзда тутитилган натижа: Ўсимлик қопламини минтақалар бўйича тақсимланиши ва бунинг тамойиллари ҳақида тушунча беринг.

РЕЖА:

1. Ўсимлик қопламини табиий минтақаларга ажратиш тарихи.
2. Табиий минтақаларга ажратиш тамойиллари.
3. Минтақалар номланиши.

Маълумки ҳар қандай табиий минтақа шунингдек баландлик минтақалари маълум бир белгилар мажмуаси (ўсимлик қопламини, зооценоз, тупроқ, иқлим ва хоказолар) билан бир-биридан фарқланиши керак ва алоҳида бир географик терминлар билан номланиши керак. Алоҳида бир белгига, айталик ўсимлик дунёсига қараб, флористик округи, област, геоботаник районларга ажралади. Баландлик минтақалари бўйича ажралган чўл, адир, тоғ, яйловлар юқорида кўрсатилган кўп белгиларни ҳисобга олган ҳолда ажралган. Улар иқлим, тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот дунёси белгилари ва хоказолар.

Муаммо: хозирга қадар дунё миқёсида бу минтақаларга ном бериш ва аташда маълум даражада турлича фикрлар мавжуд. Бунга сабаб биринчи навбатда турли халқлар тилининг ҳар хиллигидандир. Масалан, дашт минтақасини русларда «Степ» венгерларда «Пушта» дейилади ёки Шимолий Америка халқлари «Прери» дейишади. Қандай номланишдан қатъий назар «Дашт минтақаси» деганда маълум

даражада текисликдаги ўт ўсимликлари билан қопланган дарахтсиз ҳудуд тушинилади.

Ўрта Осиё худудида «дашт» минтақаси юқорида айтганимиздек таъриф бўйича учрамайди, сабаби Ўрта Осиё жумладан, Ўзбекистонни кўп қисмини ишғол қилган бепоён текисликларда қалин ўт ўсимликлари қоплами билан биргаликда ҳатто дарахтлар, ўрмонзорлар ҳам учрайди. Масалан, саксовулзорлар, туранғизорлар, шунингдек бу ерларда хаво харорати ёзда бир мунча юқори. Ўсимликлар шу иссиқ қирғоқчил шароитга яхши мослашган.

Қатор ғарб олимлари ишида бизнинг Турон текисликларига нисбатан «Пустиня»-«Сахро» атамаси қўлланилади. Лекин «Сахро» тушунчаси бизнинг юқорида айтилган Турон текисликларига у қадар тўғри келмайди.

Ёдингизда тутинг:

Ҳақиқий сахро- Африка, Америка худудларида учрайди. Уларни ўрганган олимлар (Коржинский, Боршов ва бошқалар) таърифича сахро- қурук, иссиқ, юқори хароратли, жуда кам ёки бутунлай ўсимлик қопламига эга бўлмаган текисликлардир.

Шу нуқтаи назардан ҳам Ўрта Осиё текисликларини «сахро» атамаси билан номлаш тўғри келмайди. А.Шренк, П.Семёнов каби олимлар Ўрта Осиё текисликлари ўсимлик қопламини ўрганиб «дашт» термини билан аташган. Бу тушунча унчалик ҳам тўғри эмас. А.В.Гурский ўзининг ишида «ҳақиқий сахро худуди Россия худудидаги ҳақиқий дашт каби Саудия Арабистонида, Месопотамияда, Америкада (Калифорнияда), Африкада (Калахарада) учратиш мумкин» дейди. Таниқли тупроқшунос олим С.Неуструев (1915) ёзишича Ўрта Осиё текислик худудининг иқлими, қумлари, ер ости чучук сувлари, ўсимлик қоплами ҳақиқий сахро- Арабистон ва сахроларидан тубдан фарқ қилади.

Дарҳақиқат, Нишон ва Керки, Бухоро ва Навоий атрофларидаги текисликларда шувоқ, черкез, изень ва бошқа муҳим ем-хашак ўсимликлари шу қадар қалин формациялар ҳосил қиладики, шунингдек бу ерлардаги юзлаб кв.км. майдонлардаги дарахт ва бутазорлардан ташкил топган ўрмон ўсимлик қопламлари бутун ёз давомида қорақўл қўйлари, йирик шохли қорамоллар учун ўтлоқ ҳисобланади.

Ёдингизда тутинг:

Шу нуқтаи назардан ҳам таниқли ўзбек ботаник олими, академик Қ.З.Зокиров Ўрта Осиё ҳалқини тилида қадимдан ишлатиладиган «чўл» атамаси билан номланишини киритади. Шундай қилиб кегинги йилларда ўзбек ва бошқа чет эл илмий адабиётларида «чўл» атамаси кенг қўлланиб, сингиб бормоқда.

Ҳозирда тик баландлик минтақалари- чўл, адир, тоғ, яйлов тушунчаси биргина геоботаникада қўлланилмай, балким, экология, география, иқлимшунослик, тупроқшунослик ва бошқа соҳаларда ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Таянч иборалар:

Дашт, степь, пушта, прерий, сахро, чўл, Калахара, сахарои-Кабир сахролари.

Назорат саволлари:

1. Дунё бўйича мавжуд табиий минтақаларни санаб беринг.

2. Ўзбекистон, Ўрта Осиёдаги табиий минтақалар, уларни тавсифи, номланиш қандай?
3. Минтақаларга ажратиш бўйича қайси олимлар ишларини биласиз?
4. Сахро минтақаси дунёни қаерларида учрайди.
5. Сахро минтақасига таъриф беринг.
6. Чўл минтақасини саҳродан фарқи нимада?
7. дашт минтақасини таърифланг.
8. Минтақаларга ажратишда қайси белгилар ҳисобга олинади?
9. Ўсимликлар қопламига энг бой минта қайси?
10. Академик Қ.Зокиров ажратган табиий минтақаларни санаб беринг.

Адабиётлар:

1. «Растит. покров Узбекистана». Т. 1971г.
2. Қ.З.Зокиров «Опыт типологии растительности Земного шара на примере Средней Азии». Т. 1953г.
3. П.Қ.Зокиров «Классификация растительности Средней Азии». Ўзб. Биол. Журн. №3. 1979й.

ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДИДАГИ ТАБИЙ МИНТАҚАЛАР

Кўзда тутилган натижа: Республика ҳудудидаги табиий минтақа ўсимлик қопламига тавсиф бериш.

РЕЖА:

1. Чўл минтақалари.
2. Адир минтақалари.
3. Тоғ ва яйлов минтақалари.

Чўл минтақаси: Ўзбекистон текислик қисмини эгаллаб турган қирғоқчи чўл пояси Республика ҳудудида 61,16%ни ташкил қилади. Бунга денгиз сатҳидан 500-600метр баландликдаги майдон қиради. Бундай минтақалар Ўзбекистоннинг ғарбий қисмидаги қизилқум чўлининг анча қисми Амударё дельтасининг ўнг соҳили Қарши, Сурхон, Ёзёвон чўллари. Бу чўлларда асосан ксерофил- курғоқчил ўсимликлар ўсади. Тупроқ уч хил бўлади. 1. Шўрхоқ (тузли, тақирли, нам). 2. Қумли (соф қум, қумлоқсой, учиб юривчи қумлар ва тўпланган қум уюмли тупроқ). 3. Гипсли (майда СаСо₃ли тупроқ). Баъзан соз тупроқли 4 типдаги чўллар ҳам учрайди. Чўлда ҳарорат ёзда 40-45*С га етади. Ҳвонинг нисбий намлиги кам бўлади. Ёзда ёнғирчалик бутунлай бўлмайди, йилнинг бошқа фаслларида ҳам ўзига хос хусусиятлар бўлади. Қишда жуда совуқ бўлади. Ёнғингарчилик эрта баҳорда ва кеч кузда кузатилади. Йиллик намлик 120-200 мм.

Чўл атрофларида катта тоғлар ва сув иншоатларида йўқ, қуруқ, иссиқ, ҳаво оқими эсиб туради. Шундай шароитдаги Ўзбекистон чўллари ҳалқимиз учун чорва моллари боқишда кенг фойдаланилади.

Чўл пояси Ўрта Осиёнинг катта қисмини ишғол этувчи Турон пасттектислигини ишғол этади. Чўл ўзининг иқлими, текислиги, ўсимлик ва тупроқнинг хилма-хил бўлишига сабабли ҳам 2 қисмга ажралади:

1. Пастки чўлга. 2. Юқори чўлга.

Чўл ландшафти юқорида айтилганидек ҳар хил бўлганлаги сабабли ҳам бу ернинг ўсимлик қоплами бир неча хил типларга ажралади. Қ.З.Зокиров ва ўғли П.Қ.Зокировлар классификация бўйича чўл ҳудудида қуйидаги кўкатлар типини кўришимиз мумкин.

Ёдингизда тутинг:

Мазкур олимлар бу типларни ажратишда асосий белги-экологик омил бўлгани учун ҳам «Эдафотиплар» деб ном беришган.

Масалан: 1. Шўр ёки галофита – Halophyta эдафотипи. 2. Қум- Psammophyta эдафотипи. 3. Гипсли-Gypsophyta эдафотипи. 4. Тақир- Takirophyta эдафотипи. 5. Тўқай эдафотипи- Potamophyta ва бошқалар.

Булардан шўр эдафотип кўпроқ пастки чўл худудларида учраб, бу тупроқ шўрлиги юқори бўлган жойлар учун хосдир. Бундай шўрланган жойлардаги ценозларда ўсимликлар кўпинча этдор, поя, баргларда туз миқдори кўп «суккулет ўсимлик» хисобланади. Улар чорва учун кучли совуқ ва ёгингарчиликдан кегин кеч куз ва қишда озуқа бўлиб хизмат қилади. Бу эдафотипни ташкил қилувчи эдификатор- доминант ўсимликлар: 1. Holostachis. 2. Salicornia. 3. Climocoptera. 4. Alriplex. 5. Salsola турлари хисобланади. Қора саксовул- Holaxylon persica турларини учратиш мумкин.

Адир минтақаси: Ўзбекистон худудининг денгиз сатхидан 500-1200-1400 метр баланд жойлари адир минтақасига киради. Республиканинг барча тоғ этаклари, шунингдек, Фарғона водийсининг- Чимён, Аввал, Арсиф, Чортоқ, Поп ва бошқа худудлари- адирликлар хисобланади.

Адирнинг белгиси- рельеф нотекис, бўзтупроқ, ўсимлик қопламида ранг ва кўнғирбош ташкил қилади. Ўртача йиллик харорат 12-13*С, ёзда эса 35-40*С ни ташкил этади. Ёгингарчиликлар қишда ва баҳорда кузатилади.

Ёдингизда тутинг:

М.Г.Попов «бўз тупроқли адрни тавсифлаб, бу ердаги ўсимликларнинг турли-туманлиги ва улар ҳосил қиладиган манзара бошқа бирор мамлакатда учрамайди» деб ёзган эди.

Ўзбекистон адрлари ҳақиқатдан ҳам ўсимликларга бойдир. Бу минтақа ўзбекистоннинг асосий лалмикор, боғдорчилик ва пахтачилик майдонлари хисобланади. Адирларнинг дехқончиликда фойдаланиш қийин майдонларидан чорвачиликда маданий ва ёввойи ем-хашак ўсимликларини ўстириб, ўтлоқзор ва пичанзор сифатида фойдаланилади.

Адир зўнаси тупроқ, рельеф, иқлим, ўсимлик қопламига қараб иккига, пастки ва юқори адирга бўлинади.

1. Пастки адир – денгиз сатхидан 500-800 метр баландликда жойлашган бўлиб, тупроғи оч ва тиниқ бўз тупроқ. Рельефи текис, асосан қирликлардан иборат.

Ўсимликлари асосан эфемероидлар- кўнғирбош- Poa, майин шувоқ- Artemisia, етмак- Acanthopyllum, қўйпечак- Convolvulus, кўзиқулоқ- Phlomis, исфарак- Delphinium, оққурай- Psoralea, қаррак- Cousinia, лолақизғалдоқ- Papaver ва бошқалар.

2. Юқори адир денгиз сатхидан 900-1200 метр баландликда жойлашган, тошлоқ тупроқли, чала бута ва бута ўсимликлари кўплиги билан ажралиб туради. Эфемер – эфемероид ўсимликлар кам. Асосий ўсимликлари – Бодомча – Amygdalus, Изень - Kochia, Терескен - Eurotia, Оқшувоқ - Artemisia, Равоч - Rheum, Газакўт - Gentiana, Андиз - Inula, Қатрон - Scambe, Гулхайри - Althaea, Ширав - Eremurus, Бугдойиқ - Elytriga ва бошқалар.

Тоғ минтақаси: денгиз сатхидан 1200-2800 метр баландликдаги майдонларни ўз ичига олади. Намлик нисбатан кўп, йилнинг 3 фасли (ёздан ташқари) ёгингарчилик билан ўтади. Ўсимликларнинг вегетация даври баҳор, ёз ва кузга тўғри келади. Хўжалик

иктисодий нуктаи назаридан тоғ минтақаси муҳим аҳамиятга эга, у чорва моллари учун ўтлоқзор, дарахт ва ўсимлик қоплами одамлар учун мева (ёнғоқ), қурилиш материали, ёқилғи манбаи ҳисобланади. Доминант ўсимликлари: тоғшувоқ – *Artemisia tennisecta*, тоғпиёз - *Allium pskemense*.

Тоғ минтақаси ҳам табиий шароити бўйича 2 та кичик пояс ёки зоналарга бўлинади.

1. **Пастки тоғ** – бу 1200-2100 метр денгиз сатҳидан баландликдаги зона, юқори адир билан бевосита чегарадош ҳисобланади, ўсимлик қоплами кўпроқ эфемер, эфемероидлар, дарахт, буталар, арчалар бўлиши керак эди, лекин инсоннинг узок йиллик фаолияти натижасида йўқолиб кетган, ёғингарчилик миқдори адирга қараганда кўпроқ йиллик миқдори 1200-2000 метргача етади.

2. **Юқори тоғ** – бу 2100-2800 метргача бўлади. Бу зонада дарахт, буталар яхши тараққий этган. Юқори тоғда қоялар, тоғ ён бағирликлар, булоқлар ва бошқалар кўп, рельефи нотекис. Бунинг натижасида тупроқ ҳам хилма-хил. Ўсимлик турлари ҳам кўп бўлади, қуёш радиацияси ҳам кучлироқ. Шу сабабли ҳам ксерофил ўсимликлар яхши ривожланган, муҳим ва кенг тарқалган. Эдификатор ҳисобланувчи кўп йиллик ўт ўсимликлардан ғалладошларга мансуб буғдойиқ кўп учрайди. Бута ўсимликлардан зирklar, шилви, ирғай, арча, ёнғоқ, олма ва бошқалар. Булар тоғдаги ўсимликларнинг асосий формацияларини ҳосил қилади. Уларнинг кўпчилиги эдификатор ҳисобланади. Юқори тоғ зонаси пастки тоғдан ўрмоннинг бўлиши билан фарқ қилади. Масалан, арчазорлар, ёнғоқзорлар.

Яйлов минтақаси: бу дарахт, бута ўсимлик қоплами бўлмаган тоғнинг энг юқори текис минтақасидир. Яйлов Европада илмий адабиётларида «субальпия» - «суб альпийский» ёки «альпийский пояс» деб юритилаётган тоғнинг юқори қисми ҳисобланиб, Ўрта Осиё халқлари тилида «яйлов» деб юритилади.

У денгиз сатҳидан 2700-2800 метр ва ундан юқори баландликда жойлашган майдонлар бўлиб, тупроғи қўнғир, дашт тупроқларига ўхшаб кетади. Тоғлик ва майда шағаллик субстратлар ҳам бор. Асосан музликлар, кўп жойлари қор қатламларидан иборат. Яйловларни пастки чегараси юқори тоғ буталари билан ажралиб туради. Бу ерларда намлик юқори, фақат август, сентябрда ёғингарчилик бўлмайди. У ердаги ўсимликларнинг вегетация даври фақат ёзда кузатилади. Яйлов ёз вақтида чорва моллари учун яхши ўтлоқ майдони бўлиб ҳисобланади. Масалан, қоракўл қўйлар учун чўл қанчалик ўтлоқзор ҳисобланса, хисор қўйлари ва эчкилар учун ўтлоқзор яхши яйлов ҳисобланади.

Яйлов шунингдек йилқичилик учун асос ҳисобланади. Маданий экинлар экиш учун яйловда шароит йўқ. Яйлов ҳам нисбатан шартли иккига – пастки яйлов 2700 дан 2800 метр ва юқори яйлов 3000-3200 метр ва ундан юқори бўлади.

Мезофил ўсимликлар формациялари шунингдек паст бўйли пакана - «карлик» шаклидаги бутулардан – арча турлари, шилви, ирғай, наматак ҳамда ёстиксимон кўринишдаги оққайин турлари учрайди. Юқори яйловда дашт ва ўрмон- дашт ўсимлики қопламга хос бўлган бетага, кобрезия ва бошқалар қалин, гиламдек қоплам ҳосил қилади. Яйловда чимли ботқоқ ўсимликлари - «саз кўкатлар типи» тез-тез учрайди. Альпинистлар учун рамзий ҳисобланган мураккабгулдошлар оиласига таалуқли эдельвейс (*Leontopodium*), шунингдек, ўрик арча, четан, ёронгул, суғурўт пастки яйловда учраса, наврўзгул, арпаўт ва тўнғизсиртлар юқори яйлов ўсимликлари ҳисобланади.

Таянч иборалар:

Яйлов, субальпия, чимли ботқоқ ўсимликлари, паст бўйли «карлик ўсимликлар», ёстиксимон ўсимликлар.

Назорат саволлари:

1. Чўл минтақасини тавсифлаб беринг.
2. Адир, тоғ минтақаларини тавсифлаб беринг.
3. Қ.П.Зокировлар эдафотиплари тавсифини тушунтиринг.

4. Яйлов ўсимликларини айтиб беринг.
5. Яйлов билан чўл минтақаларининг фарқи нимада?
6. Ўзбекистон худудидаги адирларни санаб беринг.
7. Чўл ўсимликларини санаб беринг.
8. Адир ўсимликларини айтиб беринг.

9. Тоғнинг муҳим ўсимликларини айтиб беринг.
10. Тоғ билан яйловларнинг фарқи нимада?

Адабиётлар:

1. «Растит. пақров Ўзбекистана». Т. 1-т. 1973 г.
2. Қ.Хайдаров, К.Хожиматов. «Ўзбекистон ўсимликлари». Т.1976й
3. Орифхонова М.М. «Растительность Ферганской долины». Т.1963г

ЎЗБЕКИСТОН ЎСИМЛИК ҚОПЛАМИНИНГ ТАСНИФИ.

Кўзда тутилган натижа: ўсимлик қоплами таснифоти ва Е.Коровин тизими бўйича Ўзбекистон ўсимлик қопламига тавсиф бериш.

РЕЖА:

1. Ўрта Осиё ўсимлик қоплами тизимлаш бўйича таклиф этилган таснифлар (классификациялар).
2. ЕП.. Коровин (1937, 1962) классификацияси бўйича Ўзбекистон ўсимлик қопламига тавсиф.

Ер шари ўсимлик қоплами таснифотига бағишланган илмий ишлар ва бу масалалар илмий адабиётларда кенг ёритилган. Бунга мисол қилиб, А.Ильинский (1937), В.Алехин (1938), Е.Коровин (1937), Б.Быков (1897), Е.Лавренко (1959), П.Овчинников (1947-97), Родин (1948-58), Қ.З.Зокиров (1955-69) йил. Бу масалада кўп ишлар қилинганига қарамадан ҳозиргача аниқ бир тизим ишлаб чиқилган эмас. Бунга сабаб, тизимни яратишдаги асосий мезонни ажратиш, тамойилларни турлича танланиши, шунинг натижасида табиий тизимлар-генетик тизимга қарши, типологик ва топологик тизимлар, экологик-фитоценологик тизимга қарши бўлиб, бир-бирини инкор этишда бўляпти.

Ўсимлик қопламини классификация қилишда эса, кўпчилик томонидан экологик – морфологик, экологик – тарихий ёндошиш кўпроқ бўлган, албатта.

Ёдингизда тутиш:

Ўсимлик жамоалари, геоботаник тавсиф
бирлигидаги энг асосий ва энг катта бирлик – «тип» деб аталади.

Шу сабабдан ҳам ўсимликлар систематикасида
таксономик бирлик сифатида «тип» атамаси ўрнига
«бўлим» бирлиги қабул қилинган. Масалан, мохлар
бўлими, очиқ уруғлилар бўлими ва хоказо.

Бу типни ажратишда турли олимлар, турлича белгиларни асосий бирлик деб қабул қилишган. Масалан: А.П.Шенников ўз тизимини яратишда ўсимлик ҳаётини шаклини асос қилиб олади ва ўт ўсимликлар, буталар, дарахтлар каби типларни ажратади. Ўтган асрнинг 80 йилларида таклиф этилган П.Қ.Зокиров (1979) тизимида асосий белги иқлим мезон қилиб олиниб, даслаб климотиплар ажратилган, сўнг тупроқ (субстрат) белгисига қараб, бу климотиплар ичида эдофотиплар (18 т), сўнг эколого-биоморфологик ценотиплар – кўкатлар – тип (48 та) ажратилган.

Ёдингизда тутинг:

Ўрта Осиё, шу жумладан Ўзбекистон ўсимлик қопламини классификацияси қилишда кўпчилик томонидан Е.П.Коровин (1961-62.) таклиф этган тизими қўлланилади.

Сабаби у томонидан ўсимлик типларини ажратишда ташқи ўлик ва тирик мухит билан ўсимликларнинг ўзаро таъсири, мосланишлар, чидамлик (адаптация, толерантлик) ва бошқа экологик омиллар мажмуаси ҳисобига олинган.

Таниқли ботаник олим М.Г.Попов фикрича ҳам Ўрта Осиё ўсимлик қопламини билан субстратни ўзаро муносабати ўсимлик жамоаларини тизимлашда албатта ҳисобга олиниши керак. Чунки, Ўрта Осиё минтақасида жуда хилма-хил субстрат ва экологик омиллар кузатилади.

Хозирга қадар Ўзбекистон ўсимлик қопламини таснифотида 13 та кўкатлар типи ажратилади. Бу тасниф 1965 йилда «Ўзгипрозем» томонидан ишлаб чиқилган. «Ўзбекистон кўкатлар харитасига экспликация ва шартли белгиларда», шунингдек Республика Фанлар Академияси «Ботаника» илмий, ишлаб чиқариш маркази олимлари томонидан таёрланган йирик, фундаменталь монография – 4 жилдли «Растительный покров Узбекистана» (1971-1994) асарларида ҳам қабул қилинган.

Шу сабабдан ҳам мазкур 13 та кўкатлар типини қабул қилган ҳолда уларга қисқача тавсиф бериб ўтаемиз.

1. Псаммофит (кумсевар) тип - Psammophyta – бу тип адабиётларда турли хил бошқа номларда номланиши (синонимлари) - «кумлар», «формация песков» кумли сахро, кумли чўл каби сўзларда ҳам юритилди. Бу тип учун асосий белги – ўзига хос экологик кўриниш ва эндемизим, уларни аксариятикумга мослашган ўт ва бута ўсимликлар ҳисобланади. Республика ҳудудида бу тип Қизилқум, Ёзёвон, Карнабчўл ва бошқа кум уюмлари йиғилган массивларни ишғол этади.

2. Гипсофит – Gypsophyta синоними: «тошли сахро, гаммада, гипсли сахро, гипсли чўл», бу тип ўсимликлари тупроқда H_2SO_4 тузлари кўп йиғилган жойларни ёқтириб, таркиб, келиб – чиқиши бўйича неоген давридан бошлаб тараққий этган. Бу типда асосий ҳаётий шакл чалабута, баъзан буталардан иборат. Таркиби ва сукцезия йўналишига қараб бу тип писомофитларга яқин туради. Ўсимлик доминантлигида кўпроқ шўрагулдошлар оиласи вакиллари учрайди. Уст-Юрт платоси Қизилқумнинг тоғли ва тоғолди ҳудудларида учрайди.

